

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.P.01.07 РАҚАМЛИ  
БИР МАРОТАБАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИЛҲАМОВА ДИЛҒУЗА ИЛҲАМОВА**

**СУРУНКАЛИ СОМАТИК КАСАЛЛИКЛАР БИЛАН ХАСТАЛАНГАН  
БОЛАЛАР РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИНГ ПСИХОСОЦИАЛ  
ДЕТЕРМИНАНТЛАРИ**

**19.00.04 – Тиббий ва махсус психология**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2021**

**Психология фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора психологических наук**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of  
Psychological Sciences (DSc)**

**Илхамова Дилфуза Илясовна**

Сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар  
реабилитациясининг психосоциал детерминантлари..... 3

**Илхамова Дилфуза Илясовна**

Психосоциальные детерминанты реабилитации детей, больных  
хроническими соматическими заболеваниями ..... 35

**Ilhamova Dilfuza Ilyasovna**

Psychosocial determinants of rehabilitation of children with chronic somatic  
diseases ..... 65

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications ..... 69

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.P.01.07 РАҚАМЛИ  
БИР МАРОТАБАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИЛҲАМОВА ДИЛҒУЗА ИЛҲАМОВА**

**СУРУНКАЛИ СОМАТИК КАСАЛЛИКЛАР БИЛАН ХАСТАЛАНГАН  
БОЛАЛАР РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИНГ ПСИХОСОЦИАЛ  
ДЕТЕРМИНАНТЛАРИ**

**19.00.04 – Тиббий ва махсус психология**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2021**

**Психология фанлари доктори (DSc) дисертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Psi 6 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.psi-ik.uz](http://www.psi-ik.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаева Шоира Хамидовна**  
психология фанлари доктори, доцент

**Маматова Нодира Мухторовна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Кадиров Камолиддин Батирович,**  
психология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент Тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019. P.01.07 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4 уй. ЎзМУ, Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (+99871) 246-52-74/факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-04, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Бош ўқув биноси, «В» қисм, 2-қават, 217-хона. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Д.Г.Мухамедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, психол.ф.д., профессор

**И.И.Рахимова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, психология фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD), доцент

**Н.С.Сафаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
психол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори(DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аҳоли саломатлигини таъминлаш нафақат ижтимоий, балки иқтисодий ўсиш шароитида муҳим иқтисодий муаммо ҳисобланади. Бу борада болаликдан бошлаб жисмоний, руҳий ва ижтимоий-маънавий саломатликни сақлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 66-сессиясида (2013) руҳий саломатликни сақлаш соҳасида 2013-2021 йилларга мўлжалланган комплекс ҳаракатлар режаси маъқулланиб, унда «руҳий саломатликсиз саломатлик бўлмайди» тамойили мужассамлашган<sup>1</sup>. Бугунги кунда сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болаларга комплекс психологик ёрдам кўрсатиш ва реабилитацион тадбирларни ташкил этишнинг тўлиқ ҳал этилмаганлиги амалий тиббиёт ва психологик хизматнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Дунёда сурункали соматик касалликлар марказий асаб тизими касалликларидан сўнг болаларнинг руҳий ва ижтимоий ривожланишда орқада қолиш омили сифатида иккинчи ўринни эгаллашидан келиб чиққан ҳолда ушбу касаллик билан хасталанган болалар реабилитациясининг психосоциал детерминантлари борасидаги илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилаётган илмий изланишлар таркибида болаларда сурункали соматик касалликларнинг келиб чиқиши, кечиши ва даволанишида психологик ва ижтимоий-психологик омиллар ролини аниқлаш, касаллик таъсири остида бемор болалар индивидуал-психологик хусусиятларидаги ўзгаришлар, касаллик шароитига мослашиш хусусиятлари, сурункали касалликларнинг болаларда турли психологик бузилишлар шаклланишига таъсири, касаллик хусусиятларига кўра психологик ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, болалар клиник психологиясида психодиагностик ва психокоррекцион тадбирларни амалга ошириш, сурункали касалликлар натижасида болаларда руҳий орқада қолиш ҳамда ижтимоий-психологик мослашув бузилишлари психопрофилактикаси каби йўналишлардаги илмий тадқиқотлар устувор даражада амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда, айниқса янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида болалар саломатлигига бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш...»<sup>2</sup> каби долзарб вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда миллий муҳитда сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар реабилитациясининг психосоциал

<sup>1</sup>Обзор интегрированного ведения болезней детского возраста в Европейском регионе ВОЗ. URL:www.euro.who.int Review of integrated Management of Childhood illness (IMCI), 2018. P.127.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» ПФ-4947-сон Фармони.//lex.uz

детерминантларини дифференциал баҳолаш, ноанъанавий ёндашувларни қўллаган ҳолда хасталанган болаларга психологик ёрдам кўрсатувчи усулларни такомиллаштириш, ўзаро муносабатлар ва психологик иқлим шароитини эътиборга олган ҳолда психоижтимоий ҳолатдан қониқиш даражасини аниқлаштириш, психологик интервенция ва психологик қўллаб-қувватлаш шароитида хасталанган болалар ижтимоий-психологик реабилитацияси самарадорлигини ошириш бўйича илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 3 февралдаги ПФ-4190-сон «Ўзбекистон Республикасида аҳоли руҳий саломатлигини сақлаш хизматини ривожлантириш бўйича 2019-2025 йилларга мўлжалланган концепцияси тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 472-сон «Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг 1. «Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича чет эл илмий тадқиқотлари шарҳи<sup>1</sup>.** Жаҳонда сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар реабилитациясининг психосоциал детерминантлари йўналишида, жумладан, қуйидаги етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасалари томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда: University Colorado, University of Illinois at Chicago, University Alabama at Birmingham (АҚШ), University Melbourne (Австралия), University Kent (Англия), University Barcelona (Испания), University Milan (Италия), University Newcastle (Англия), University of San

---

<sup>1</sup>Чет эл илмий тадқиқотлари шарҳи қуйидаги материаллар асосида амалга оширилди: The European Association of Psychosomatic Medicine (URL: <https://www.eapm.eu.com>), The American Psychosomatic Society (URL: <https://www.psychosomatic.org>). Проведен анализ публикаций по медицинской, клинической и реабилитационной психологии в ведущих реферативных базах периодических изданий, в том числе: Информационный портал «Медицинская психология» (URL: <http://medpsy.ru/index.php>), Портал психологических изданий (URL: <http://psyjournals.ru>), база данных по психологии Американской психологической ассоциации PsycINFO (URL: <https://www.apa.org/pubs/databases/psycinfo/index.aspx>), текстовая база данных Национальной медицинской библиотеки США (URL: <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed>).

Paulo (Бразилия), University Santa Catarina (Бразилия), University Tokyo (Япония), Dalhousie University (Канада), Institute of Psychology Albert-Ludwig Freiburg (Германия), Mental Health Conservation Center of the Department of Health (Санта-Круз, Манила, Филиппин), Institute of Pedology (Дюйвендрехт, Нидерландия), University of Bath (Bath, UK), EMGO Institute for Health and Care Research (Amsterdam, the Netherlands), Columbia University (New York, USA), The European Association of Psychosomatic Medicine, The American Psychosomatic Society, М.В.Ломоносов номли Москва давлат университети, Москва давлат психология-педагогика университети, Россия рухий саломатлик илмий Маркази, Россия Соғлиқни сақлаш вазирлиги академик Ю.Е.Вельтишев номидаги Педиатрия клиник илмий-тадқиқот институти, Санкт-Петербург давлат педиатрия университети, Болалар саломатлиги Миллий тиббий тадқиқот маркази, Л.С.Виготский номидаги Психология институти (Россия).

Жаҳонда сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар реабилитацияси психосоциал детерминантлари тадқиқоти бўйича, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: болалардаги сурункали соматик касалликларнинг келиб чиқишида психологик ва ижтимоий-психологик омиллар етакчи ўрин эгаллаши асосланган (Institute Pedology, Netherlands), турли касалликлар таъсири остида болаларнинг индивидуал-психологик хусусиятларида юзага келадиган психологик ўзгаришлар ўрганилган (Columbia University, USA), касаллик шароитида реабилитация тизими ва мақсадли гуруҳлар шакллантирилган (Children's Rehabilitation Center, Australia); саломатлиги чекланган болаларнинг ота-оналарини психологик қўллаб-қувватлаш дастури ишлаб чиқилган (Royal Brompton & Harville, Great Britain); (Medical Center Teknon, Spain); ривожланишдаги бузилишларни ташхислаш ва даволашнинг психосоматик қонуниятлари (жисмоний ҳолат, касалланиш тузилмаси ва ривожланишнинг ижтимоий вазияти ўртасидаги алоқадорлик очиб берилган (Л.С.Виготский номи Психология институти); сурункали касалликлар билан хасталанган болалар ва уларнинг ота-оналари билан психологик интервенция (психологик экспресс-диагностика, психоконсултация) турлари ишлаб чиқилган (University of Bath, UK); сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болаларда боғланганлик ва копингнинг касалликни даволаш жараёнидаги ўзаро алоқадорлиги хусусиятлари, болаларда сурункали соматик касалликлар шароитида ҳаёт сифатини белгиловчи психосоциал омиллар ўрганилган (The European Association of Psychosomatic Medicine, The American Psychosomatic Society).

Бугунги кунда жаҳонда тиббиёт психологиясида сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар реабилитациясининг психосоциал детерминантлари бўйича, жумладан, қуйидаги йўналишларда устувор даражада тадқиқотлар олиб борилмоқда: касалликнинг сурункали тус олиши шароитида унинг зўриқиши ва асоратли кечишини психосоциал жиҳатдан асослаш; хасталанган болаларда учрайдиган психоэмоционал ҳолат ҳамда шахс тузилмаси бузилишлари ва когнитив соҳадаги ўзгаришларнинг ўзига

хослиги; ижтимоий-психологик мослашувнинг бузилиши; касалликка муносабат хусусиятларини касаллик характери ва давомийлигига кўра аниқлаштириш; бемор болалар ўз саломатлиги, психологик ва ижтимоий ҳолатидан қониққанлик даражасини психологик қайта алоқани кучайтириш асосида баҳолаш; саломатлиги чекланган болаларнинг жамиятда тўлиқ ижтимоий-психологик мослашувини таъминловчи психокоррекцион ва психопрофилактик тадбирларни ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижда сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар реабилитациясининг психосоциал детерминантлари муаммолари И.П.Брызгунов, Ю.Ф.Антропов, Д.Н.Исаев, А.И.Захаров, Д.Г.Платонов, Е.Ю.Войнова, В.В.Михеева<sup>1</sup>, А.А.Протопопов, Ю.Е.Куртанова, Н.В.Рублева, М.Н.Шляпникова, Е.М.Никифорова, Н.В.Коноваленко, А.Э.Зайцева, О.В.Александрова, А.Е.Ткаченко, И.В.Кушнарера, И.Е.Коломиец<sup>2</sup>, Г.Л.Корян, В.Р.Ушакова<sup>3</sup>, Д.Н.Исаев, В.В.Николаева, Е.Ю.Дубовик<sup>4</sup>, М.В.Милейко, И.И.Мамайчук, О.Ю.Камакина, Ю.В.Сарычева, Е.В.Захарова<sup>5</sup> томонидан чуқур тадқиқ этилган. Р.Конечный,

---

<sup>1</sup>Брызгунов И.П. Психосоматика у детей. М., 2017. 565 с.; Антропов Ю.Ф. Психосоматические расстройства и патологические привычные действия у детей и подростков. М.: Издательство Института Психотерапии, 2000. 320 с.; Исаев Д.Н. Эмоциональный стресс и соматопсихические и психосоматические расстройства у детей и подростков. М., 2007., 400 с.; Захаров А.И. Неврозы у детей и подростков. М., 2011., 233 с.; Платонов Д.Г. Тревожность у детей с врожденными пороками сердца. // Психологический журнал, М., 2013. № 4. С.46-49.; Войнова Е.Ю. Психогенные факторы нарушения здоровья у старших дошкольников: автореф.дисс.канд.психол.н., Санкт-Петербург, 2009.18 с.

<sup>2</sup>Протопопов А.А. Хронические соматические заболевания у детей: психосоматические аспекты диагностики и коррекции: автореф. дисс.доктора мед.наук. Саратов, 2003. 37 с.; Куртанова Ю.Е. Личностные особенности детей с различными хроническими соматическими заболеваниями: автореф. дисс. канд.психол.наук. М., 2004. 22 с.; Рублева Н.В., Шляпникова М.Н. Особенности психоэмоциональной сферы часто болеющих детей// Вестник Прикамского социального института. 2016. № 3 (75). С.74–81; Никифорова Е.М., Коноваленко Н.В. Особенности психоэмоционального статуса у детей, страдающих сахарным диабетом типа 1 // Волгоградский научно-медицинский журнал, 2011. № 2. С.31-37; Зайцева А.Э. Особенности жизнедеятельности ребенка с хроническим соматическим заболеванием высокого витального риска//Личность в меняющемся мире: здоровье, адаптация, развитие. 2015. №1. С.68-76; Александрова О.В., Ткаченко А.Е., Кушнарера И.В. Психологические особенности детей и подростков в восприятии ими болезни на разных этапах ее течения// Педиатр. 2018. Т. 9. №3. С. 124-127; Коломиец И.Е. Эмоциональные и поведенческие характеристики детей с сахарным диабетом и их матерей // Медицинская психология России. 2012. №5.

<sup>3</sup>Корян Г.Л. Особенности метаболического и психологического статуса у детей с патологией верхних отделов ЖКТ и превышением массы тела: автореф.дисс.канд. мед.н. М., 2008. 18 с.; Ушакова В.Р. Психологические аспекты отношения к болезни у детей с соматическими заболеваниями// Психологический журнал. 2017. №4. С.135-140.

<sup>4</sup>Исаев Д.Н. Детская клиническая психология. М., 2007. 314 с.; Николаева В.В. Влияние хронической болезни на психику. М.: МГУ, 2007. 168 с.; Дубовик Е.Ю. Родительское отношение к часто болеющему ребенку дошкольного возраста как фактор формирования тревожности: автореф. дисс.канд.психол.наук. Казань, 2006. 20 с.

<sup>5</sup>Милейко М.В. Динамика образа Я у детей с хронической гастродуоденальной патологией в процессе психологической и медицинской реабилитации: автореферат дисс. канд.психол. н. М., 2009. 18 с.; Мамайчук И.И. Психологическая помощь детям и подросткам с соматическими заболеваниями. // Педиатр, 2014. № 1. С. 107-117; Камакина О.Ю., Сарычева Ю.В. Программа комплексной психологической реабилитации на основе клинико-психологических особенностей подростков с сахарным диабетом 1-го типа: автореф.дисс. канд. мед.н. М., 2015. 19 с.; Захарова Е.В. Психотерапия в комплексной терапии больных хроническими бронхолегочными заболеваниями: автореф.дис.канд.мед.н., М., 2003. 18 с.; Barowsky E. I. Young children's perceptions and reactions to hospitalization // Psychosocial Aspects of Pediatric Care. N. Y, 1998. P. 37-49; Freyberger H. Psychosomatik // Psychiatric Stuttgart. 1999.; Hall D. Social and psychological care before and during hospitalisation // Soc. Sci. Med. 2017. Vol. 25. № 6. P. 721-732.



М.Боухал, Е.Ј.Варовский, Н.Фрейбергер, Е.Геллерт, Д.Халл, М.А.Визинтайнер<sup>1</sup> болаларда сурункали соматик касалликларнинг келиб чиқиши, кечиши, даволаниши ва реабилитациясида психологик омиллар, мазкур касалликлар таъсири остида юзага келадиган психологик бузилишлар ва уларнинг коррекциясига оид бир қатор илмий ғояларни илгари сурганлар.

Ўзбекистонда ўрганилаётган мавзу бўйича тадқиқотлар кўпроқ педиатрия фани намояндалари Ф.И.Иноятова, З.С.Умарова, Р.С.Джубатова, И.М.Ахмедова, М.М.Хайдарова, Д.А.Абдуллаева, З.С.Гарипова томонидан олиб борилган бўлиб, сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болаларнинг психологик ҳолати хусусиятлари, психологик бузилишларни фармакологик усуллар билан даволаш йўллари ўрганилган. Мазкур тадқиқотларда сурункали вирусли гепатит билан хасталанган болаларнинг интеллектуал, психоэмоционал, хулқ-атвор соҳасидаги ўзгаришлар (Ф.И.Иноятова ва ҳаммуаллифлари), *Helicobacter pylori* ва психосоматик бузилишлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ошқозон ва 12-бармоқли ичак шиллиқ қаватидаги патологик жараёнларни қўллаб-қувватловчи таянч ҳолатлардан бири эканлиги аниқланган (Д.А.Абдуллаева)<sup>2</sup>. Д.П.Хакимов ва ҳаммуаллифлари тадқиқотларида чақалоқлик даврида ва ривожланишнинг кейинги босқичларида ҳам бир қатор касалликларнинг юзага келишида психосоматик омиллар муҳим ўрин эгаллаши кўрсатиб берилган<sup>3</sup>. Р.С.Джубатова ва З.С.Умарова ўз тадқиқотлари натижаларига кўра, тез-тез касал бўладиган болаларда узоқ давом этадиган патологик жараённинг шаклланишида психологик ҳолатдаги бузилишлар хавфли омиллар қаторига киришини таъкидлаганлар<sup>4</sup>.

Ўзбекистонлик психолог олимлардан Э.Ғ.Ғозиев, В.М.Каримова, Б.Р.Қодиров, Р.И.Суннатова, Г.Б.Шоумаров, З.Т.Нишанова, М.Х.Карамян ишларида болалар ва ўсмирлар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда психологик ва ижтимоий-психологик омиллар аҳамияти кўрсатиб ўтилган.

Таъкидлаш жоизки, тиббиёт йўналишида асосий эътибор боланинг соматик ҳолатига қаратилган ва психофармакотерапевтик ёндашувга урғу берилган бўлса, психология йўналишида сурункали патологияни психологик ва ижтимоий-психологик омиллар нуқтаи-назаридан тушунтириш орқали психодиагностик ҳамда психокоррекцион тадбирларни қўллашга ҳаракат қилинган. Бу борадаги комплекс тадқиқотлар озчиликни ташкил қилади. Мавжуд тадқиқотларга қарамай, ҳали хануз сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар реабилитациясининг асосий психосоциал

---

<sup>1</sup> Конечный Р., Боухал М. Психология в медицине. Прага, 2000. 537 с.; Бурмистрова Н.И. Актуальные вопросы воспитательно-педагогической работы с соматически больными детьми в условиях стационара // Педиатрия. 2001. № 10: С.61; Спиваковская А.С. Профилактика детских неврозов. М.: МГУ. 2018. 296 с.; Еренкова Н.В. Этико-психологические основы госпитализации детей и профилактика госпитализма // Вопросы охраны материнства и детства. 2009. №8. С. 51-57.

<sup>2</sup> Иноятова Ф.И. и др. Нарушения психического статуса у больных хроническим гепатитом «В». // Детские инфекции. 2012. № 4. С.25-28.

<sup>3</sup> Хакимов Д.П., Сафаров З.Ф., Кариева Ш.А. Роль психосоматических нарушений у новорожденных на развитие у них острых дыхательных расстройств // Проблемы науки. 2017. №4. С.49-55.

<sup>4</sup> Джубатова Р.С., Умарова З.С. и соавт. Психологический статус часто болеющих детей по оценкам родителей. Мат. X Конгресса педиатров России. М., 2006. С.177-178.

детерминантлари тўлиқ ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Ўзбекистон миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ИД 3.5 «Сурункали вирусли гепатит билан хасталанган ногирон болалар тиббий-психологик реабилитацияси янги моделини татбиқ қилиш», ПЗ-20170913120 «Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрларни тайёрлашнинг ижтимоий-психологик механизмлари» мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар реабилитациясининг психосоциал детерминантларини эмпирик жиҳатдан асослаш ҳамда психологик ёрдам кўрсатишни услубий-амалий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сурункали соматик касалликлар (сурункали гастрит, ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраси, сурункали вирусли гепатит «В», юрак қон-томир касалликлари, шунингдек, бош мия фалажи) билан хасталанган болаларнинг актуал психологик ҳолатини ташхис қилиш;

сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болаларда ёш хусусиятлари, касаллик характери ва давомийлигига кўра касалликнинг ички кўриниши (ўз касаллигига муносабатнинг когнитив, эмоционал ва хулқ-атвор компонентлари) хусусиятларини аниқлаш;

сурункали касалликларнинг болалар эмоционал-шахслилик (касаллик билан боғлиқ кечинмалар, хавотирланиш ва кўрқув даражаси, ўзини ўзи баҳолаш, ўз ўзига муносабат ва характер хусусиятлари) ва когнитив (диққат, хотира, тафаккур) соҳалари ривожланишига таъсири хусусиятларини аниқлаш;

сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болаларнинг асосий психосоциал тавсифлари (ота-оналар ва тенгдошлари билан ўзаро муносабатлари, бола яшаётган оиладаги психологик микроклим) ва ҳаёт сифати (ўз саломатлиги, психологик ва ижтимоий ҳолатидан қониқиш) параметрларини ўрганиш;

сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар реабилитацияси бўйича психокоррекцион тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини қиёсий баҳолаш;

тадқиқот натижалари асосида амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика Педиатрия илмий-амалий Марказида даволанаётган сурункали соматик касалликлар билан хасталанган 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар ҳамда бош мия фалажи ташхиси қўйилган Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 560-махсус мактабгача таълим муассасасида тарбияланаётган болалар иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида сурункали соматик касалликлар

билан хасталанган болалар реабилитациясининг психосоциал кўрсаткичлари, когнитив соҳа хусусиятлари, индивидуал типологик хусусиятлари, касалликка муносабат, шахслараро муносабат хусусиятлари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник суҳбат ва кузатув; мактабгача ёшдаги болалар учун: «Шарлар» ўзини ўзи баҳолаш методикаси; Р.Тэммл, М.Дорки, В.Аменнинг «Хавотирланишни диагностика қилиш» методикаси; Рене-Жиля методикаси, «Оиланинг кинетик расми» методикаси, Бурдон «Корректур синови», «Етишмаётганини топ», «Тўртинчиси ортиқча» методикалари; кичик мактаб ёшидаги болалар учун: Дембо-Рубинштейн «Ўзини ўзи баҳолаш» методикаси, «Мен ва менинг касаллигим» проектив методикаси, «Уй-одам-дарахт» методикаси, «Оиланинг кинетик расми» методикаси, Рене-Жиля «Шахслараро муносабатларни ўрганиш» методикаси, Бурдон «Корректур синови», «Шульте жадваллари», «10 та сўз», «Нуқталарни эслаб қол ва қўйиб чиқ», «Тўртинчиси ортиқча», Равен матрицалари; бемор бола ҳаёт сифатини ўрганиш учун «PedsQL-4.0» сўровномаси; ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш учун «Мен ва менинг болам» проектив методикаси, «PARI методикаси», эксперт баҳолаш усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзини ўзи баҳолаш тизимининг пасайиши, хавотирланиш ва кўрқувнинг юқори даражаси, касалликка муносабатнинг когнитив, эмоционал ва хулқ-атвор компонентлари, когнитив соҳа ўзгаришлари ва шахслараро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар реабилитациясининг психосоциал детерминантлари сифатида аниқланган;

касалликлар оқибатидан кўрқиб ва хавотирланиш, келажакка бўлган ишончсизлик, ўлим кўрқуви ва бошқа шу каби психоэмоционал ҳолат бузилишлари натижасида бемор болаларда, айниқса 11-12 ёшли болаларда иродасизлик, ёрдамга муҳтожлик, қайсарликнинг кучайиб бориши аниқланган;

сурункали вирусли гепатит билан хасталанган болаларда ҳимояланмаганлик ҳисси, юқори хавотирланиш, агрессивлик, низога мойиллик, депрессивлик аниқланган ҳолда, бу касалликнинг жигар циррозига ўтиши болалардаги мазкур психологик ҳолатларни янада кучайишига олиб келиши, юрак хасталигига чалинган беморларда эса бошқа нозологик гуруҳдаги болаларга нисбатан хавотирланишнинг юқори даражаси, ўзгалар билан муомалага қийинчилик билан киришиш ва етишмовчилик комплекси кузатилиши асослаб берилган;

гастродуоденал патология, сурункали вирусли гепатит, жигар циррози, бош мия фалажи билан хасталанган болаларда учрайдиган психоэмоционал ҳолатлар бузилишлари коррекциясининг илк даврдан бошлаб арттерапия, музикатерапия ва рақс-ҳаракат терапиянинг қўлланилиши самарали эканлиги асосланган;

сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болаларнинг ижтимоий-

психологик реабилитацияси ижобий натижасини таъминлашда ота-оналар, педагог ва шифокорларни болаларда касаллик шароитида юз берадиган психоэмоционал ҳолат ўзгаришлари, билиш жараёнлари бузилишлари ҳақидаги билимлардан хабардор қилиш, шифокор, психолог ва дефектолог ҳамкорлигини йўлга қўйиш зарурати асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болаларнинг стационар ва реабилитацион босқичда даволанишга қадар ҳамда даволангандан кейинги даврдаги актуал психологик ҳолатини диагностика қилиш учун бир қатор психодиагностик методикаларни қўллашнинг самарали имкониятлари аниқланган;

касалликнинг кечиш характериға кўра бемор болаларда эмоционал ва ҳулқ-атвор бузилишлари профилактикасиға йўналтирилган психологик ёрдам кўрсатиш усуллари ишлаб чиқилган;

сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар психологик ҳолати, шунингдек, боланинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларини психологик коррекция қилиш усуллари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда фойдаланилган психодиагностик усулларнинг психометрик талабларға жавоб бериши, ўзаро бир-бирини тўлдириши, маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, эмпирик маълумотларнинг кўп босқичли қайта ишланиши ва интерпретацияси, уларнинг статистик аҳамиятлилиги ва бошқа тадқиқот маълумотлари билан таққосланганлиги ҳамда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг манфаатдор ташкилотлар томонидан амалиётға жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали соматик касалликлар таъсири остида болаларда шаклланадиган психологик ва ижтимоий-психологик бузилишлар, когнитив соҳа ва эмоционал ҳолат ўзгаришлари борасида олинган янги натижаларнинг методологик жиҳатдан сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар реабилитациясининг психосоциал детерминантлари илмий асосларини такомиллаштиришға хизмат қилиши билан асосланади. Шунингдек, бемор болалар билан диагностик, коррекцион ва психопрофилактик ишлар олиб бориш юзасидан ишлаб чиқилган услубий тавсиялар сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болаларни даволаш ҳамда реабилитация қилишнинг ижтимоий-психологик ва клиник-психологик диагностикаси ҳамда коррекциясиға оид мавжуд концептуал ёндашувларни тўлдиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг тиббий-психологик амалиётда педиатрлар ва психологлар томонидан тиббий-психодиагностик ва коррекцион тадбирларни самарали амалға ошириш ҳамда бакалаврият ва магистратура босқичлари талабалари учун «Психология», «Тиббиёт психологияси», «Махсус психология» каби йўналишларида ўқув адабиётларини такомиллаштириш, мутахассислар

малакасини ошириш курслари ва амалий машғулотларни олиб боришда қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги.** Сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар реабилитациясининг психосоциал детерминантларини ўрганиш асосида:

ўзини ўзи баҳолаш тизимининг пасайиши, хавотирланиш ва кўрқувнинг юқори даражаси, касалликка муносабатнинг когнитив, эмоционал ва хулқ-атвор компонентлари, когнитив соҳа ўзгаришлари ва шахслараро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларига доир маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослашган педиатрия илмий-амалий Марказининг сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болаларни даволаш жараёнида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 8н-з/204-сон маълумотномаси). Натижада сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болаларни комплекс даволаш самарадорлиги ортган;

касалликлар оқибатидан кўрқиш ва хавотирланиш, келажакка бўлган ишончсизлик, ўлим кўрқуви ва бошқа шу каби психоэмоционал ҳолат бузилишлари натижасида бемор болаларда, айниқса 11-12 ёшли болаларда иродасизлик, ёрдамга муҳтожлик, қайсарликнинг кучайиб бориши аниқланганлигига доир маълумотлар ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар психологик ёрдам кўрсатувчи психодиагностик/коррекцион дастур доирасида Республика педиатрия ихтисослашган илмий-амалий Маркази фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 8н-з/204-сон маълумотномаси). Натижада бу болаларда юқори даражали хавотирланиш, кўрқув каби эмоционал соҳа бузилишлари, когнитив жараёндаги ўзгаришларни аниқлаш имконини берган;

сурункали вирусли гепатит билан хасталанган болаларда химояланмаганлик ҳисси, юқори хавотирланиш, агрессивлик, низога мойиллик, депрессивлик аниқланган ҳолда, бу касалликнинг жигар циррозига ўтиши болалардаги мазкур психологик ҳолатларни янада кучайишига олиб келиши, юрак хасталигига чалинган беморларда эса бошқа нозологик гуруҳдаги болаларга нисбатан хавотирланишнинг юқори даражаси, ўзгалар билан муомалага қийинчилик билан киришиш ва етишмовчилик комплекси кузатилиши аниқланганлигига оид маълумотлар Республика болалар ижтимоий мослашуви Марказининг саломатлиги чекланган болалар билан ишлаш амалиётига Марказнинг 2019 йил 26 ноябрдаги 48-сон буйруғи асосида жорий қилинган (Республика болалар ижтимоий мослашув Марказининг 2020 йил 30 ноябрдаги 01/242-сон маълумотномаси). Олинган натижалар саломатлиги чекланган болалар билан психологик ва ижтимоий-психологик ёрдам тадбирларини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

гастродуоденал патология, сурункали вирусли гепатит, жигар циррози, бош мия фалажи билан хасталанган болаларда учрайдиган психоэмоционал ҳолатлар бузилишлари коррекциясининг илк давридан бошлаб арттерапия, мусикатерапия ва рақс-ҳаракат терапиянинг қўлланилиши самарали

эканлигига оид маълумотлар Республика болалар ижтимоий мослашув Маркази фаолиятида Марказга мурожаат қилган қийин ҳаётӣ вазиятга тушиб қолган болалар ва оилаларга Марказнинг 2019 йил 26 ноябрдаги 48-сон буйруғи асосида ижтимоий, психологик хизмат кўрсатиш амалиётига сингдирилган (Республика болалар ижтимоий мослашув Марказининг 2020 йил 30 ноябрдаги 01/242-сон маълумотномаси). Олинган натижалар саломатлиги чекланган болалар билан иш олиб борувчи психолог-мутахассисларда амалий кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга хизмат қилди;

сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болаларнинг ижтимоий-психологик реабилитацияси ижобӣ натижасини таъминлашда ота-оналар, педагог ва шифокорларни болаларда касаллик шароитида юз берадиган психоэмоционал ҳолат ўзгаришлари, билиш жараёнлари бузилишлари ҳақидаги билимлардан хабардор қилиш, шифокор, психолог ва дефектолог ҳамкорлигини йўлга қўйиш зарурати бўйича амалий тавсиялар Республика болалар ижтимоий мослашув Маркази фаолиятида Марказга мурожаат қилган қийин ҳаётӣ вазиятга тушиб қолган болалар ва оилаларга Марказнинг 2019 йил 26 ноябрдаги 48-сон буйруғи асосида ижтимоий, психологик хизмат кўрсатиш амалиётига сингдирилган (Республика болалар ижтимоий мослашув Марказининг 2020 йил 30 ноябрдаги 01/242-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялардан фойдаланиш саломатлиги бўйича имконияти чекланган болалар ва уларнинг оилаларига психологик хизмат кўрсатишнинг методик таъминланганлик даражасини яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг синовдан ўтказилиши.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқотнинг асосий натижалари бўйича 3 та монография, 11 та илмий мақола Ўзбекистон Республикаси ОАҚи тавсия этган журналларда, шу жумладан, 3 таси хориж журналларида чоп этилган. Шунингдек, тадқиқот натижалари 22 та халқаро ва 7 та республика конференцияларида ўз ифодасини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 206 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати; тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги асосланган, диссертацион тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий ўқув юрти илмий-тадқиқот режалари билан алоқадорлиги очиб берилган; тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва тадқиқот методлари ифодаланган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган маълумотларнинг ишончлилиги баён этилган, уларнинг

назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг татбиқи ва уларнинг синовдан ўтиши баён қилинган. Бундан ташқари чоп этилган ишлар ва диссертация ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Медицина психологиясида сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар реабилитацияси муаммолари**» деб номланиб, унда сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болаларда психосоматик ва соматопсихик муносабатларнинг илмий-методологик ва амалий асосларини ўрганишга ёндашувлар ҳамда сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар реабилитациясининг психосоциал детерминантларини ўрганишга бағишланган дунё миқёсидаги тадқиқотлар кенг ва чуқур таҳлил қилинган. Муаммонинг долзарблиги шу билан боғлиқки, сўнгги пайтларда соматик касаллик таъсири остида психик соҳада турли даражадаги бузилишлар учраётган болалар сони ортиб бормоқда. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бундай бузилишлар 80% болаларда учрайди (Л.П.Урванцев, Д.Н.Исаев, А.И.Захаров). Тиббий-психологик фанлар кесимидаги бир қатор тадқиқотлар болалик даврида касалликларнинг юзага келиши ва кечишида психологик омиллар ролини асослашга бағишланган (Ю.А.Антропов, А.И.Захаров, Д.Н.Исаев, Ф.И.Иноятова, З.С.Гарипова). Е.И.Иванова, Л.Н.Цветкова, Б.В.Воронков, В.В.Николаева, Г.А.Арина, Н.А.Кравцова, М.В.Коркина, Н.В.Врунгер ўз тадқиқотларида болалик даврида касаллик уларнинг руҳиятига салбий, кўпинча аянчли таъсир кўрсатиши, айниқса узоқ давом этадиган ва сурункали кечадиган касаллик ҳақида гап кетганда қоидага кўра оғир ёки хаттоки қайтарилмас оқибатларга олиб келишини аниқладилар. Уларнинг таъкидлашларича, оқибатлар узоқ келажақда намоён бўлиши мумкин. Бироқ жуда кўп муаллифлар кўп сонли тадқиқотларга қарамай, болаларда сурункали соматик касалликлар шаклланишида психологик омилларнинг ундовчи роли билан боғлиқ жуда кўп масалалар ҳал этилмай қолаётганини уқтириб ўтадилар (Н.Д.Билкина, L.Rees, V. Weizsacker, M. Fuchs, E. Heim), буни тадқиқотлар натижаларидаги қарама-қаршилиқлар билан тушунтириш мумкин. Уларнинг фикрича, ҳар бир назария танқидга мойил бўлиб, тадқиқотлар кўпинча тасвирлаш характериға эга, муаллифлар хулосалари эса ҳаддан ташқари умумлаштирилган. Бундан ташқари ҳар доим ҳам клиник шароитларда қўлланиладиган психодиагностик методлар ўз валидлик ва ишончлилик даражаси бўйича талабларга жавоб бермайди. Бинобарин, аниқланган психологик хусусиятлар беморларга касаллик бошланишидан олдин намоён бўлганми ёки касаллик таъсири остида юзага келганми, ҳали ҳануз очик қолмоқда, чунки одатда психологик тадқиқотлар болалар касаллангандан кейин етарлича муддат ўтганда олиб борилади (Е.Ю.Соловьева, В.И.Горемкин, А.А.Протопопов).

Жуда кўп олимлар асаб-руҳий бузилишлар белгилари кўп ҳолатларда соматик касалликка шахснинг муносабати билан бирга намоён бўлишини кўрсатишга муваффақ бўлдилар. Мазкур муносабатлар шахс характерологик хусусиятлари, ёши, жинсига боғлиқ бўлади (Д.Н.Исаев, Б.В.Воронков).

Соматопсихик контекстда олиб борилган тадқиқотлар сурункали патологиянинг болалар асаб-руҳий соҳасига таъсири ланжлик, синикқанлик, заифлик, диққатни бир жойда тўплай олмаслик, чарчаш, бош оғриғи ва бош айланишида кўринишини аниқладилар. Касалликнинг шахслилик ва ижтимоий-психологик соҳага таъсири ўйин ва ўқиш фаоллигининг пасайиши, ички безовталиқ, хавотирланиш, кайфиятнинг тушиши, муваффақиятсизликни ҳис қилиш, инфантилизация ва ижтимоий фаолликнинг пасайиши билан кузатилади (В.В.Николаева, Г.А.Арина, Н.А.Кравцова, З.С.Умарова, Ф.И.Иноятова). Бизнинг фикримизча, касаллик таъсири остида юз берадиган когнитив соҳа ўзгаришларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим, чунки улар келажакда боланинг мукамал ривожланишига тўсқинлик қилади, унинг меҳнат қобилиятини, интеллектуал имкониятларини пасайтиради, бу эса натижада нафақат мактабда ўзлаштирмасликка, балки ижтимоий мослашувнинг бузилишига олиб келади.

Шундай қилиб, сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар психологик хусусиятларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларни учта йўналишга ажратиш мумкин: психологик ва ижтимоий-психологик омилларнинг касалликлар келиб чиқишидаги роли, касалликнинг болалар эмоционал-шахслилик соҳасига таъсири ва касалликнинг ички кўриниши ҳамда унинг касалликни кейинги кечилишига таъсирини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар. Барча уч йўналишдаги тадқиқотларда алоҳида эътибор бемор болалар ота-оналарига қаратилган, чунки ота-оналар ва фарзандлар муносабатлари характери, оиладаги муҳит, ота-оналарнинг ўз фарзандлари касаллигига ва даволаш жараёнига муносабати сурункали патологиянинг шаклланишида ҳам, унинг даволаниши ва реабилитациясида ҳам таянч механизм вазифасини ўтайди. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, ўрганилаётган муаммо бўйича тадқиқотлар кенг қамровли эканлигига қарамай, сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар реабилитациясининг психосоциал детерминантлари етарлича ўрганилмаган. Мавжуд тадқиқотлар психологик симптомларни клиник шароитда аниқлаш билан чегараланган, тиббиёт фанидаги баъзи ишларда касаллик таъсири остида болаларда юзага келган психологик бузилишларни дори-дармон билан даволаш ёндашувини қўллашга ҳаракат қилинган.


**«Сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар реабилитациясининг психосоциал детерминантларини ўрганиш методологияси»** деб номланган диссертациянинг **иккинчи бобида** таъкидланадики, замонавий тиббиёт тиббиёт психологиясидаги ғоялар ва методларнинг соматик касалликлар клиникасига татбиқи билан тавсифланади. Бу жараён кўпроқ реабилитацион йўналишнинг ривожланиши билан шартланган бўлиб, унинг энг муҳим тамойилларидан бири шахслилик ёндашувидир (М.М.Кабанов, Я.Мудров, В.В.Николаева ва бошқалар). Методологик жиҳатдан ушбу тадқиқот айнан реабилитация концепциясига асосланган бўлиб, мазкур концепция давлат, ижтимоий-иқтисодий, тиббий, психологик-педагогик, касбий ва бошқа тадбирлар тизимидан иборат.



Реабилитациянинг таянч йўналишлари қуйидагилардан иборат: ресоциализация; боланинг касалликка муносабатининг ўзига хослиги, касаллик характери ва давомийлиги, ота-оналар ва фарзандлар ўзаро муносабатлари каби омилларни ҳисобга олган ҳолда болалар ва уларнинг ота-оналарига психологик ёрдам кўрсатиш.

Ушбу бобда шунингдек, тадқиқотнинг ташкил этилиши баён қилинган ва педиатрик клиникада психодиагностик методикаларни қўлланилиш асослари келтирилган. Юқорида таъкидланганидек, тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика Педиатрия илмий-амалий Марказида олиб борилди. Тадқиқот объектини сурункали гастродуоденал патология, сурункали вирусли гепатит, жигар циррози, юрак-қон томир касалликлари билан хасталанган бемор болалар ташкил этди. Барча беморлар тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик Ф.И.Иноятова томонидан кўрилди. Бундан ташқари Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 560-махсус мактабгача таълим муассасасида тарбияланаётган, бош мия фалажи ташхиси қўйилган 15 нафар болаларда ҳам тадқиқотлар олиб борилди. Шифокорлар томонидан амалий соғлом деб топилган 60 нафар болалар назорат гуруҳини ташкил этди. Сурункали соматик касалликлар билан хасталанган бемор болалар реабилитациясининг психосоциал детерминантларини ўрганиш бўйича тадқиқот бир нечта босқичлардан иборат бўлиб, беморларнинг актуал психологик ҳолати, уларнинг ўз касаллигига бўлган муносабати, касалликнинг болалар когнитив ва эмоционал соҳаларига, шахслараро ўзаро муносабатлари хусусиятлари, шунингдек, даволанишга қадар ва даволашдан сўнг боланинг ҳаёт сифатини ўрганишга қаратилган. Коррекцион босқичда болаларнинг ёши, психологик хусусиятлари, аниқланган психологик бузилишлар характерига кўра психокоррекцион методлар танлаб олинди.

Диссертациянинг «**Сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болаларнинг клиник-психологик ва ижтимоий-психологик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида муаллиф томонидан ўтказилган эмпирик тадқиқотлар натижалари келтирилган. Ушбу бобнинг биринчи параграфида бемор болаларда касалликнинг ички кўриниши ҳамда касалликнинг болалар ўзини ўзи баҳолаш тизимига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар таҳлили келтирилган. Ўтказилган клиник суҳбат натижаларига кўра шу нарса аниқландики, сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар психологик ҳолатида ҳар иккала ёш гуруҳида неврастеник синдром устунлик қилади, мазкур синдром бемор болаларнинг 88,5%ида аниқланди. Неврастеник синдром кайфиятнинг тушиб кетиши (74,8%), тез чарчаш (84,4%), меҳнат қобилиятининг пасайиши (77,7%), уйқунинг (68,4%) ва иштаҳанинг бузилишида (62,9%) намоён бўлди. Касалликнинг кучли даражасида мазкур ҳолатлар янада яққолроқ кўзга ташланди (1-расм).



**1-расм. Сурункали соматик касалликларда неврастеник синдром симптомлари (%)**

Клиник суҳбат натижасида аниқланишича, беморларнинг 59,4%ида оиладаги номаъқул муҳит, яъни катталар ўртасидаги тез-тез ўзаро келишмовчиликлар, ота-оналар муносабатларининг ёмонлиги ва ажралишлар, ота томонидан спиртли ичимликларни суистеъмол қилиниши каби ҳолатлар қайд қилинди. 78,4% болалар ака-укалари ва опа-сингиллари билан шахслараро муносабатлар бузилганлигидан шикоят қилдилар. Ота-оналар ва бемор болалар билан суҳбатда аниқландики, сурункали патология мазкур болаларнинг ижтимоий муҳит билан алоқасини аҳамиятли даражада қийинлаштиради. Айниқса, бу ҳолат сурункали вирусли гепатитнинг холистатик шакли билан оғриган болаларда яққолроқ намоён бўлди. Маълумки, сурункали вирусли гепатитнинг мазкур шаклида бемор тери қатламлари ва кўз соққаси сап-сарик тусга киради. Гарчи гепатитнинг бу шакли юқумли бўлмаса-да, соғлом болаларнинг ота-оналари касаллик хусусиятини билмаганларидан «унинг юқиб қолишидан» кўрқадилар, ҳар қандай йўл билан ўз фарзандларини бундай болалар билан алоқа қилмасликларига ҳаракат қиладилар. Натижада бу сурункали вирусли гепатитнинг холистатик шакли билан хасталанган боланинг инсонлар жамиятидан четлашиб қолишига ва унда етишмовчилик комплексининг юзага келишига олиб келади.

Маълумки, бола саломатлиги ҳолати унинг шахс сифатида ривожланишига таъсир кўрсатади. Даволаш жараёнида касаллик таъсири остида бемор болалар эмоционал-шахслилик хусусиятларида юзага келиши мумкин бўлган бузилишларнинг ўзига хослигини билиш ва ҳисобга олиш зарур. Болаларнинг шахс сифатида ривожланишини тадқиқ этиш уларда ўз саломатлигига муносабатни ўрганишдан иборат бўлди, чунки бу муносабат инсон ўзини ўзи англашининг бир қисмидир. Турли сурункали соматик касалликларда болаларда ўз касаллигига нисбатан ўзига хос муносабат


шаклланади. Маълум бир ёшда сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болаларда касалликни англаш инқирози юзага келиб, алоҳида салбий кечинмалар ва психологик ҳимоя механизмларининг кўпроқ ривожланиши билан тавсифланади. Шунинг учун клиник суҳбат давомида бир вақтнинг ўзида болаларда ўз ҳолатини англаш даражасини ҳамда касалликнинг шахслилик хусусиятларига таъсирини баҳолаш учун ҳар иккала ёш гуруҳларига ўзини ўзи баҳолаш методикаси тақдим этилди. Мактабгача ёшдаги болалар гуруҳларида «Шарлар» методикаси натижаларига кўра, бемор болаларда соғлом болаларга нисбатан барча кўрсаткичлар бўйича кескин пасайиш кузатилди. Сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болаларнинг 62,2%и «соғлик» шкаласи бўйича ўзларини нормадан паст баҳоладилар. Нима учун улар ўзларини бемор деб ҳисоблашлари ҳақидаги саволга, кўпинча бош оғриқлари, қориндаги оғриқлар безовта қилишини, тенгдошлари узоқ масофаларга бемалол югура олсалар, улар бундай ҳаракатларда дарҳол қовурға остида оғриқ ҳис қилишлари ёки ота-оналари уларга бундай кескин ҳаракатлар қилишга, оғир кўтаришга руҳсат бермасликларини айтиб ўтдилар. 32,8% болалар энг кўп касал бўладиган инсон сифатида оналарини баҳоладилар, чунки «оналари тез чарчайди», «кўпинча боши оғрийди», «доим ётади» ва ҳоказо. «Бахт» шкаласи бўйича юқори ёки паст кўрсаткичлар мазкур гуруҳдаги болаларда кўпинча боланинг психосоциал ҳолати билан боғлиқ бўлди. 37,8% болалар ўз дўстларини «жуда бахтли» деб баҳоладилар, чунки «уларда энг яхши ўйинчоқлар бор», «дадаси ҳар куни машина ёки қандайдир ўйинчоқ олиб келади», «ота-онаси кўпроқ паркка олиб боради, кўпинча саёҳатларга чиқишади» деб изоҳладилар, яъни мазкур ёшдаги болаларда «бахт» тушунчаси ота-оналар томонидан боланинг моддий эҳтиёжларини қондирилиши билан боғлиқ бўлди. Шунингдек, «бахт» шкаласи бўйича ўз ака-укалари ёки опа-сингилларини юқори баҳолаган ҳолда, болалар «ота-оналари уларга ҳамма нарсага руҳсат беришлари»ни айтиб ўтдилар. Таъкидлаш жоизки, боланинг касал ёки соғлом бўлишига қарамай, мукамал оилада тарбияланаётган болалар, ўзларини энг бахтли, деб баҳоладилар, аксинча, оилада ота-она эътибори, меҳр-муҳаббати етишмайдиган болаларда деярли барча кўрсаткичлар бўйича ўзини паст баҳолаш қайд қилинди. Соғлом болалар гуруҳида «саломатлик» шкаласи бўйича паст кўрсаткич 3 нафар болада қайд қилинди.

«Яхши-ёмон» кўрсаткичи бўйича ўзларини баҳолашда болалар кўпроқ ота-оналари фикрларига таяндилар. Лекин бунда эксперт гуруҳи сифатида қатнашган асосий гуруҳдаги болаларнинг оналари касалликдан сўнг фарзандларининг феъл-атвори ўзгарганлигини қайд этиб, фарзандларида гиперактивлик, қулоқ солмаслик, ўжарлик, йиғлоқилик, иродасизликдан шикоят қилдилар.

Иккинчи ёш гуруҳида (8-12 ёш) Дембо-Рубинштейн ўзини ўзи баҳолаш методикаси маълумотларига кўра ҳам худди шундай манзарани кўриш мумкин. Бемор болаларнинг 61,6%и касаллангандан сўнг ўзларида ўзгариш сезганларини қайд этдилар, бу ҳолат «ақл», «соғлик», «бахт», «характер»

шкалалари бўйича ўзини ўзи паст баҳолашда кузатилди. «Ақл» шкаласи бўйича паст кўрсаткичларни бемор болалар касаллангандан сўнг интеллектуал имкониятлари камайганлиги, диққат ва хотира сусайганлиги билан тушунтирдилар, холбуки соғлом болалар гуруҳида бундай ўзгаришлар фақат 4 нафар болаларда кузатилди ( $p < 0,05$ ). Касалликдан сўнг «соғлик» ва «бахт» шкалалари бўйича соғлом болаларга нисбатан яққол намоён бўладиган ўзгаришларни болалар фақатгина жисмоний эмас, балки ижтимоий имкониятларда чегараланишлар мавжудлигини таъкидладилар, чунки касаллик уларга мактабга доимий қатнаш, спорт билан шуғулланиш, бошқа болалар билан мулоқотда бўлишга тўсқинлик қилаётгани, доимий равишда парҳез қилишга, ота-оналар талабларини бажаришга мажбурликларини қайд этишди ( $p < 0,001$ ). Болаларнинг 71,9%и касалликдан сўнг характерлари салбий томонга ўзгарганлигини таъкидлаб, буни юқори даражадаги қўзғалувчанлик, безовталаниш, хавотирланиш, яқинлари ва дўстларига қўпол муомалада бўлиш билан боғладилар. Назорат гуруҳида фақатгина 16,6% болалар характерларига салбий баҳо бердилар ( $p < 0,001$ ). Бунда агар назорат гуруҳидаги болалар «бахт» ва «характер» шкалалари бўйича ўзларини бундай баҳолашларини ижтимоий муаммолар билан тушунтирган бўлсалар, асосий гуруҳдаги болалар «бахт» шкаласи бўйича паст кўрсаткичларни асосан саломатликлари ҳолати билан, жисмоний имкониятларнинг чегараланганлиги, яъни тез чарчаб қолиш, доимий даволаниш зарурати, парҳезга риоя қилишга, турли даволаш муолажаларини қабул қилишга мажбурликлари, характерни эса муомалага киришувчанликнинг пастлиги, агрессивлик билан боғладилар. Ўзини ўзи баҳолашнинг яққол кўзга ташланадиган ўзгаришлари 11-12 ёшдаги, яъни пубертат давр поғонасида турган болаларда кузатилди. Айниқса «соғлик», «бахт» ва «характер» шкалалари бўйича кўрсаткичлар соғлом болалар кўрсаткичларига нисбатан ўта паст бўлди ( $p < 0,001$ ), бинобарин, мазкур шкалалар натижалари бир-бири билан корреляцион алоқадорликка эга эканлиги аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, барча градациялар бўйича ўта паст кўрсаткичлар касалликларнинг оғир шаклларида кузатилди, бу тенденция жигар циррози билан хасталанган болаларда устунлик қилди. Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, сурункали соматик касаллик бола ривожланишининг ижтимоий вазиятини тубдан ўзгартириб юборади, унинг ўзини ўзи баҳолаш, ўз-ўзига муносабат каби шахслик хусусиятлари шаклланишига таъсир кўрсатади. Касаллик қанчалик оғир бўлса, психологик ўзгаришлар шунчалик кучли намоён бўлади. Боланинг ёши катталашиб боргани сари касалликни англаш кучайиб бораверади ва касалликнинг ички кўриниши ҳам аниқроқ ҳамда мураккаброқ намоён бўлади (2-расм).




**2-расм. Сурункали соматик касалликларда болалар ўзини ўзи баҳолаш тизими**

Сурункали патологиянинг болалар когнитив соҳасига таъсирини ўрганиш ҳам соғлом болаларга нисбатан бемор болалар билиш соҳасида аҳамиятли тафовутлар мавжудлигини кўрсатди. Бунда алоҳида ўзгаришлар сурункали вирусли гепатитга чалинган болалар гуруҳларида кузатилди. Бурдон методикаси бўйича диққатни тадқиқ этиш шуни кўрсатдики, диққат барқарорлиги ўртача қиймати соғлом болалар гуруҳида сурункали вирусли гепатит билан хасталанган болалар гуруҳига нисбатан юқори (3-расм).



**3-расм. Сурункали вирусли гепатит билан хасталанган ва соғлом болаларда диққат барқарорлиги кўрсаткичлари**

Шульте жадваллари бўйича ҳам Манн-Уитни мезони бўйича кўрсаткичларни таҳлил қилиш натижалари бемор ва соғлом болалар ўртасида аҳамиятли тафовутлар мавжудлигини кўрсатди (4-расм). Яъни, сурункали вирусли гепатит билан хасталанган болалар соғлом болаларга нисбатан топширикни бажариш учун кўпроқ вақт сарфладилар ва уларда тез чарчаб қолиш кузатилди.



**4-расм. Соғлом ва сурункали вирусли гепатит билан хасталанган болаларнинг Шульте жадваллари бўйича олинган натижалари ўртасидаги тафовутлар**

Соғлом ва сурункали вирусли гепатит билан хасталанган бемор болалар хотира хусусиятларини ўрганиш натижалари ҳам аҳамиятли даражада тафовутлар мавжудлигини кўрсатди ( $p < 0,05$ ). Худди шундай натижалар «Эслаб қол ва нуқталарни қўйиб чиқ» методикаси натижаларида ҳам юқори ишонч даражасида кузатилди ( $p < 0,001$ ). «Тўртинчиси ортиқча» методикаси бўйича олинган натижалар таҳлили ҳам соғлом болаларда сурункали вирусли гепатит билан хасталанган болаларга нисбатан тўғри жавоблар кўпроқ берилганлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, сурункали соматик касалликлар билан хасталанган беморлар орасида когнитив соҳанинг касаллик таъсири остида сезиларли ўзгариши сурункали вирусли гепатит билан хасталанган бемор болаларда кузатилади, бу ҳолатни ошқозон-ичак тракти бошқа касалликларига нисбатан сурункали вирусли гепатитда узоқ давом этадиган марказий асаб тизими интоксикацияси сабаб бўлиши билан тушунтириш мумкин.

Бемор болалар психоэмоционал ҳолатларини аниқлаш натижалари мактабгача ёшдаги ва кичик мактаб ёшидаги болаларда хавотирланиш даражаси юқори эканлигини кўрсатди. Мактабгача ёшдаги болаларда ўтказилган Р.Теммл, М.Дорки, В.Амен методикаси натижаларига кўра, вирусли гепатит билан хасталанган болалар психоэмоционал кўрсаткичлари билан гастродуоденит ташхиси қўйилган болалар ва соғлом болалар гуруҳлари ўртасида ишонч даражасида тафовутлар кузатилди.

## 1-жадвал

### ANOVA методи орқали Р.Тэммл, М.Дорки, В.Амен методикаси бўйича хавотирланиш кўрсаткичларининг қиёси таҳлили, N=57

Кўрсаткичлар	Гастро-дуоденит N=19		СВГ N=19		Соғлом болалар N=19		F	Ишонч даражаси (p)
	М	σ	М	σ	М	σ		
Хавотирланиш	35,8	9,8	56,5	9,4	37,4	12,5	22,027	,000*

Изоҳ: \* статистик ишонч даражасидаги кўрсаткичлар белгиланган

«Уй-одам-дарахт» методикасининг сифат таҳлили сурункали соматик касалликлар билан хасталанган кичик мактаб ёшидаги болаларнинг 84,4%ида юқори даражали кўрқув ва хавотирланиш қайд этилганини кўрсатди. Хавотирланиш (93,3% %) ва кўрқувнинг (80,0%) юқори даражаси айниқса касалланиш муддати узок (3 йилдан ортиқ) бўлган болаларга хослиги маълум бўлди. Таъкидлаш жоизки, мазкур симптомлар касалликнинг кучли намоён бўлиш даражасида алоҳида кўзга ташланди, айниқса 11-12 ёшли (пубертат) болалар гуруҳида кўрқув ва хавотирланиш, авваламбор, саломатлик ҳолати билан боғлиқ бўлди (келажакдан хавотирланиш, ўлим кўрқуви ва х.к.). Назорат гуруҳидаги болалар расмларида хавотирланиш ва кўрқув элементлари камдан-кам намоён бўлди ва бемор болалар расмларидан ишончли даражада фарқ қилди ( $p < 0,001$ ) (2-жадвал).

## 2-жадвал

### «Уй-одам-дарахт» методикаси бўйича гуруҳларда олинган натижалар, N=108


Кўрсаткичлар	Ўртача ранг				Краскел-Уоллис мезони	Ишонч даражаси (p)
	Гастро-дуоденит N=35	Сурункали вирусли гепатит N=40	Юрак қон-томир касалликлари N=21	Жигар циррози N=12		
Ҳимояланмаганлик	34,63	72,00	44,95	70,83	34,034	,000*
Хавотирланиш	31,74	63,29	63,38	76,04	31,788	,000*
Ўзига ишонмаслик	50,99	51,55	68,79	49,58	5,797	,122
Етишмовчилик комплекси	27,50	64,14	65,71	81,50	43,534	,000*
Душманлик	33,79	75,94	36,74	74,54	47,303	,002*
Низокашлик	31,69	72,81	50,6	66,83	36,629	,000*
Муомалада қийинчиликлар	33,79	57,11	73,88	72,29	30,376	,018*
Депрессивлик	28,47	68,18	55,83	82,50	44,291	,000*

Изоҳ: \* статистик аҳамиятли тафовулар

Ушбу методика ёрдамида биз шунингдек, беморларнинг шахсга хос хусусиятлари ҳақида ҳам ахборот олишга муваффақ бўлдик. Бемор болалар ўзларининг соғлом тенгдошларига нисбатан ҳамма нарсага шубҳа билан

қараш, асабийлик, иложсизлик хусусиятлари билан ажралиб турдилар ( $p < 0,001$ ). Таъкидлаш жоизки, сурункали соматик касалликларга чалинган болаларнинг кўпчилиги уй расмини чизиш керак бўлганла касалхонани, одам расмида беморни тасвирладилар, бу ҳолат уларнинг ўз касаллигини психологик жиҳатдан чуқур кечинишларидан далолат беради.


Жадвалдан кўриб турганимиздек, сурункали вирусли гепатит билан хасталанган болаларда химояланмаганлик ҳисси, юқори даражадаги хавотирланиш, агрессивлик, низоларга мойиллик, ўз навбатида кайфиятнинг тушиб кетиши кузатилади. Сурункали вирусли гепатитнинг жигар циррозига ўтиши билан бу ҳолат янада кучайиб боради. Юрак қон-томир касалликлари билан хасталанган беморларда бошқа нозологик гуруҳлардаги болаларга нисбатан юқори даражадаги хавотирланиш, етишмовчилик комплекси, бошқа одамлар билан ўзаро таъсирга киришишда қийинчиликлар намоён бўлди ( $p < 0,001$ ) (5-расм).



**5- расм. «Уй-одам-дарахт» методикаси бўйича турли нозологияларда шахслараро муносабатлар кўрсаткичлари**

Кичик мактаб ёшидаги болаларда ўтказилган «Мен ва менинг касаллигим» проектив методикаси натижаларини сифат жиҳатдан таҳлили касалликнинг болалар томонидан ижтимоий эҳтиёжларни қондириш, мақсадларга эришиш йўлидаги тўсиқ сифатида идрок қилинишини, расмларда тиббий муолажалардан кўрқиб, бўлиши мумкин бўлган оғриқлардан хавотирланиш, касалхонада доимий даволанишга мажбурлигидан безовта бўлиш каби касаллик билан боғлиқ ҳис-кечинмалари ифодаланганлигини кўрсатди (6-расм).





**6-расм. «Мен ва менинг касаллигим» проектив методикаси бўйича олинган натижалар**

Болалар суратларда ўзларини бемор ҳолатда муолажалар олаётган кўринишда тасвирлаганлар ёки хасталанган тана аъзоларини ифодалаганлар, айниқса бу сурункали вирусли гепатит ва юрак хасталиклари билан касалланган болаларда кўпроқ кузатилди (7-расм).



**7-расм. «Мен ва менинг касаллигим» методикаси бўйича сурункали вирусли гепатит ва юрак хасталигига чалинган болалар чизган суратлар**

Сурункали вирусли гепатитнинг холистатик шакли билан хасталанган болалар чизган суратларида сариқ рангдан фойдаланишнинг устунлик қилиши ёки айнан шу рангга урғу бериш қайд этилди. Бу натижалар Ф.И.Иноятова, З.С.Гарипова тадқиқотлари билан мос келади. Бизнингча, сурункали вирусли гепатитнинг холистатик шакли билан хасталанган болалар ўзларидаги тери қатлами ва кўз склераси сап-сариқ тусда эканлигини ўткир қабул қиладилар, бу ҳолатни одамлар билан муомалага киришишга ҳалақит берувчи косметик нуқсон, деб ҳисоблайдилар. Биринчидан, тадқиқот даврида биз шуни пайқадикки, бу болалар гаплашадиганда кўпинча кўзларини яширадилар, уяладилар, суҳбатдошдан узоқроқ ўтиришга ҳаракат қиладилар. Яъни ўзларини субъектив мукамал эмасман, деб ҳисоблайдилар. Иккинчидан, атрофдагиларнинг уларга бўлган муносабати ташқи кўринишларини салбий қабул қилишларини янада кучайиб кетишига олиб келади, уларни социумдан итаради. Суҳбат пайтида онаси ёнида бўлган болалар уларнинг орқасига яширинишга ҳаракат қилдилар, мулоқотга киришишдан қочдилар (8-расм).




**8-расм. Сурункали вирусли гепатитнинг холистатик шакли билан хасталанган болалар чизган расмлар**

Қуйида жигар циррозига чалинган 12 ёшли С.И. исмли боланинг касалликнинг терминал даврида, вафот этишидан 2 ҳафта олдин чизган сурати келтирилган (9-расм). Стационарда даволаниш даврида болада юқори даражали қўзғалувчанлик, асабийлик кузатилди, у ҳеч ким билан, хаттоки шифокорлар билан ҳам мулоқотга киришишни истамади, уйга қайтаришларини талаб қилди, даволаниш муолажаларидан бош тортди. Психолог билан узоқ давом этган суҳбатдан сўнг даволанишга ижобий реакция пайдо бўлди, муолажаларни қабул қила бошлади. Бироқ унинг чизган суратидан кўриниб турибдики, мазкур сурат боланинг ёш нормаларига мос келмайди, унинг хавотирланиш, кўрқув, умидсизлик каби салбий психоэмоционал ҳолатда бўлганлигидан дарак беради (9-расм).



**9-расм. 12 ёшли С.И. чизган сурат. Ташхис: Жигар циррози**

Касаллик мавзуси, шунингдек, хавотирланиш ва кўрқув «Оиланинг кинетик расми» методикасини сифат жиҳатидан таҳлил қилиш натижаларига кўра ҳам қайд этилди. Узоқ муддат давомида хасталанган ва доимий касалхонада ётишга мажбур бўлган болалар расмида хона ўртасида жойлашган кроват ва унда ётган бемор бола ёки ҳайвонча тасвирланган, бу эса беморларда депрессив кайфият устунлик қилишидан дарак беради, болалар ўзларини чизган қаҳрамонлари билан айнанлаштираётганларини айтиш мумкин. Шуниси эътиборлики, бемор болаларда соғлом болаларга нисбатан олдинга мақсадлар қўйиш ва унга интилиш даражаси паст, эмоционал ҳолатлари қониқарсиз, хавотирланиш ва тушкунлик белгилари кўпроқ учрайди, улар оилада ҳам ўзларини ноқулай сезадилар. Ўзини расмда тасвирлаш характери мазкур болаларда шубҳаланиш, безовталиқ, атрофдагилар фикрига йўналганлик ва тобелик, тортинчоқлик ва одамовилик, муомалага нисбатан етарлича ёки қониқарсиз эҳтиёж мавжудлиги ҳақида фикр юритишга асос бўлади (10-расм).



**10-расм. Сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болаларда «Оила расми» методикаси бўйича олинган натижалар**

Ота-оналарнинг сурункали соматик касалликлар билан хасталанган фарзандига муносабати катта аҳамиятга эга эканлиги турли мутахассислар томонидан эътироф этилади (В.В.Николаева, Э.П.Касаткина, М.А.Жуковский). Тадқиқотда ота-оналарнинг бемор фарзандларига муносабатларини ўрганиш натижалари касалликнинг бошланғич босқичларида ота-оналарда боланинг касаллигига кўпинча бепарқлик кузатилади. Касаллик зўрайиб, болани касалхонага ётқизиш зарурати туғилгандан кейин, ҳаддан ташқари ваҳимага тушган ота-оналар болани ортиқча эркалатишлари, ҳаддан зиёд ғамхўрлик қилиб, боланинг мустақил имкониятларини чегаралашлари, ҳаттоки, фарзандларини соғлом ака-укаларидан ҳам ҳимоя қилишга интилишлари кузатилди. Ота-оналарнинг фарзандларига муносабатлари, шунингдек, оиладаги муносабатлар, фарзандлар сони, оиланинг моддий аҳволига ҳам боғлиқ бўлди. Балоғат остонасида турган болаларда ёшга хос хусусиятлардан бири – ота-оналаридан мустақил бўлишга интилиш кўзга ташланди. Бундай ҳолатларда ота-оналар томонидан боланинг имкониятларини чеклашга интилиш, ҳаддан зиёд ғамхўрлик қилиш ва мустақиллигини тан олмасликка ҳаракат қилиш натижасида ҳам ота-оналар ва фарзандлар ўртасида шахслараро муносабатларнинг бузилиши аниқланди. Айнан шу ёшдаги болалар психологга ёрдам сўраб кўпроқ мурожаат қилдилар ва улардаги касаллик характери ҳам шахслараро муносабатлардаги муаммолар билан боғлиқ бўлди ва бу ҳолатлар касаллик ремиссиясига тўсқинлик қилди. PARI методикаси бўйича қуйидаги натижалар олинди:

### 3-жадвал

#### **PARI методикаси бўйича ота-оналарнинг фарзандларига бўлган муносабатлари кўрсаткичлари (N=30)**

Кўрсаткичлар	Ўртача қиймат	min	max	Стандарт оғиш
Оптимал эмоционал алоқа	10,17	6	16	2,7
Бола билан эмоционал масофанинг узқлиги	16,43	12	19	1,9
Болага ортиқча этибор қаратиш	17,10	12	19	1,6

Жадвалдан кўриб турганимиздек, бемор болалар оналарида ўз фарзандлари билан оптимал эмоционал алоқа ўртача кўрсаткичи 10,17 га тенг бўлган ҳолда бола билан эмоционал масофанинг узоклиги ва болага ортиқча эътибор қаратиш шкаласи кўрсаткичлари мос равишда 16,43 ва 17,10ни ташкил этмоқда. Яъни, бола билан шериклик муносабатлари, унинг фаоллигини ривожлантириш ўртача кўрсаткичларга эга бўлиб, кўзғалувчанлик, жиззакилик, ҳаддан зиёд ўз сўзини ўтказишга интилиш, болага ҳаддан зиёд боғланиб қолиш, бошқалар таъсиридан ҳимоя қилиш кўрсаткичлари юқорилиги намоён бўлмоқда.

Даволаниш жараёнида ҳам ота-оналарнинг фарзандларига ҳаддан зиёд талаблар қўйишлари, яъни боланинг овқатланиши, ўзини тутиши, даволаш муолажаларини қандай қабул қилиши, врач кўрсатмаларига риоя қилаётганини доимий қатъий назорат қилишлари бир томондан фарзандларида норозилик кайфиятини уйғотса, иккинчи томондан мактабгача ёшдаги болаларда қайсарлик, ота-онага қулоқ солмасдан тескари ҳаракатларни амалга ошириш ёки юқори инфантилизацияга олиб келиши аниқланди. Ота-оналар билан олиб борилган психодиагностик ишлар натижалари боланинг касаллиги оғирлашган даврда (айниқса бу жигар циррози билан оғриган болаларнинг ота-оналарида) ота-оналарда ҳам юқори даражадаги хавотирланиш, кўрқув, йиғлоқилик, баъзи ҳолатларда агрессивлик кучайишини кўрсатди. Ота-оналардаги бу ҳолатлар боланинг психологик ҳолатига таъсир кўрсатмай қолмайди. Шунинг учун бу даврда ота-оналар билан алоҳида гуруҳий ва индивидуал психологик тадбирларни амалга ошириш зарурати туғилди ва уларга ўз вақтида кўрсатилган психологик ёрдам она-бола саломатлигини тиклаш ва сақлашга ёрдам бериши тадқиқотларда аниқланди.

Шундай қилиб, эмпирик тадқиқот натижалари сурункали соматик касалликлар болаларнинг шахс сифатида нормал ўсиши ва ривожланишига сезиларли таъсир этишини кўрсатди. Ижтимоий-психологик муаммолар ҳар иккала ёш гуруҳларида учрайди. Узок давом этган касаллик, доимий даволаниш зарурати болалар ҳаёти ва ривожланишнинг ижтимоий вазиятини издан чиқаради, уларда эмоционал ноетукликни шакллантиради, иродавий сифатларни сусайтиради.

Диссертациянинг **«Сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар реабилитациясининг психосоциал параметрлари»** деб номланган тўртинчи боби педиатрик клиникада психокоррекцион тадбирларни ташкил этиш ва қўллашнинг методологик ҳамда методик муаммоларига бағишланган. Сурункали патология билан хасталанган болаларга психологик ёрдам кўрсатиш контекстида тиббиёт ва психология фани намояндаларининг турлича фикрлари мавжуд, афсуски кўпинча шифокорлар ва психологлар турли тилда гаплашадилар. Агар шифокорнинг асосий эътибори боланинг соматик ҳолатига қаратилса, яъни танага йўналтирилган ёндашув устунлик қилса, ҳар томонлама психологик ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилувчи психологлар психокоррекцион тадбирларни

ташқил этиш ва ўтказишда бир қатор қийинчиликларга дуч келадилар. Алоҳида муаммо соҳасини бунда болалар клиник психологиясида ихтисослашувчи кадрлар тайёрлаш муаммоси эгаллайди. Бир қатор муаллифлар фикрига кўра, психокоррекцион тадбирлар даволовчи педиатрлар томонидан клиник шароитларда олиб борилиши керак.

Ушбу бобда муаллиф томонидан сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болаларнинг психик депривация, инфантилизация ва ижтимоий жиҳатдан ажралиб қолишларининг олдини олиш мақсадида психоэмоционал ҳолатни яхшилаш, касаллик шароитида болаларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларни оптималлаштириш имконини берувчи психокоррекцион тадбирларни танлаш ва модификация қилиш муаммолари муҳокама қилинади. Психокоррекциянинг махсус муаммолари болалардаги юқори эмоционал зўриқишни акс эттирувчи ўзини ўзи баҳолашнинг ноадекватлиги, хавотирланиш, паст даражадаги стрессга барқарорлик, ўз кучига ишонмаслик каби шахслик хусусиятларидан иборат.

Муаллиф психологик ёрдамнинг индивидуал ва гуруҳий шакллари, хусусан, арттерапия ва ўйин терапияси, бихевиорал терапия ва психогимнастик машқларни қўллашни асослайди, шунингдек, бемор болаларнинг ота-оналари билан психокоррекцион ишлар олиб бориш муаммосига ҳам тўхталиб ўтади.

Тиббиёт ва тиббий психологияда ҳар қандай касалликнинг даволаш самарадорлиги бемор ҳаёт сифати даражасининг ортиши билан баҳоланади. Тадқиқот давомида PedsQL-4.0 методикаси ёрдамида фақат дори-дармон билан даволанган ва дори-дармонларга қўшимча равишда психокоррекцион гуруҳда шуғулланган болаларда ҳаёт сифати кўрсаткичлари қиёсий ўрганилди (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Дори-дармон билан даволанган болалар ҳаёт сифати кўрсаткичлари динамикасининг қиёсий таҳлили, N=30

Кўрсаткичлар	Бирламчи психодиагностика натижалари N=30		2 ойдан кейинги психодиагностика натижалари N=30		t-мезон	6 ойдан кейинги психодиагностика натижалари N=30		t-мезон
	М	σ	М	σ		М	σ	
Жисмоний компонент	47,3	11,9	55,5	10,9	-8,624*	55,2	10,4	-6,359*
Эмоционал компонент	34,6	9,2	39,7	9,5	-7,544*	39,3	10,2	-3,879*
Ижтимоий компонент	29,5	7,6	33,3	8,2	-6,349*	34,2	8,9	-4,37*
Ролли компонент	28,9	7,0	36,8	8,9	-8,388*	38,3	8,92	-8,257*

Изоҳ: \* билан статистик аҳамиятли тафовутлар қайд қилинган

Фақат дори-дармон билан даволанган болалар ҳаёт даражасининг жисмоний, эмоционал, ижтимоий, ва ролли компонентлари кўрсаткичлари бўйича стационар даврдан кейинги 2 ойдан сўнг ижобий динамика қайд этилган. 6 ойдан кейин ўтказилган такрорий тадқиқотлар дастлабки натижалар ва даволанишдан кейинги 2 ойдан сўнг қайд этилган натижалардан деярли фарқ қилмаган:

Дори-дармон билан бир қаторда психокоррекцион усуллар қўлланилган болалар гуруҳида стационар даволанишдан 2 ва 6 ойдан кейин ўтказилган такрорий тадқиқотлар ҳаёт сифати барча компонентлари кўрсаткичларида ишончли даражадаги ижобий динамикани кўрсатди (5-жадвал):

#### 5-жадвал


### Дори-дармон ва психокоррекция усуллари билан даволанган болалар ҳаёт сифати кўрсаткичлари динамикасининг қиёсий таҳлили, N=30

Кўрсаткичлар	Бирламчи психодиагностика натижалари N=30		2 ойдан кейинги психодиагностика натижалари N=30		t-мезон	6 ойдан кейинги психодиагностика натижалари N=30		t-мезон
	М	σ	М	σ		М	σ	
Жисмоний компонент	41,6	8,2	51,9	7,7	-7,706*	60,8	8,3	-11,525*
Эмоционал компонент	37,4	10,7	48,1	10,4	-13,699*	61,8	11,7	-16,073*
Ижтимоий компонент	42,7	9,8	56,6	9,7	-17,142*	65,1	8,3	-17,963*
Ролли компонент	47,5	10,7	64,4	10,1	-15,942*	72,6	8,9	-16,853*

Изоҳ: \* билан статистик аҳамиятли тафовутлар қайд қилинган

11-расмдан кўриб турганимиздек, психокоррекцион гуруҳларда қатнашган болаларда айниқса, ҳаёт сифатининг эмоционал, ижтимоий ва ролли компонентларида сезиларли ўзгаришлар кузатилди. Бу болаларнинг касаллик шароитида муваффақиятли ижтимоий мослашуvidан дарак беради.

Таъкидлаш жоизки, бош мия фалажи билан хасталанган болалар психоэмоционал соҳасида психокоррекцион босқич ўтказилгунга қадар бир қатор хусусиятлар кузатилди. Р.Тэмпл, М.Дорки, В.Амен методикаси бўйича барча синалувчиларда хавотирланиш даражаси юқори эканлиги маълум бўлди. Бу болаларнинг у ёки бу ижтимоий вазиятга етарлича эмоционал мослашолмаслигидан дарак беради. Шунингдек, соматик муаммолар билан боғлиқ хавотирланиш, теvarак-атроф муҳитдаги турли хил таъсирларга ўта таъсирчанлик, баъзи ҳолларда агрессив хулқ-атвор кузатилди. Психокоррекцион тадбирлар ўтказилгандан сўнг бу тоифа болалар психоэмоционал ҳолати яхшиланди. Бунини ўтказилган қайта тадқиқотлар ва эксперт баҳолаш натижалари орқали кўриш мумкин.



**11-расм. Дори-дармон ва кўшимча психокоррекция усуллар билан даволанган болалар гуруҳларида ҳаёт сифати кўрсаткичлари динамикаси**

Муаллиф ўтказилган психокоррекция тадбирлар натижаларига асосланган ҳолда, бемор болалар реабилитацияси бўйича психокоррекция тадбирларда адекват усулларни қўллаш, арттерапия, рақс-ҳаракат терапияси, ўйин терапия, эртақтерапия, психогимнастика машқларидан бемор бола ҳолатини ҳисобга олган ҳолда рационал фойдаланиш психологик бузилишларни янада тўлароқ коррекция қилиш ва болалар ҳаёт сифатини ошириш учун янги имкониятларни очиб беришини таъкидлайди.

Қуйидаги жадвалда сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар реабилитацияси детерминантлари ва йўналишлари келтирилган (6-жадвал).

**6-жадвал**

**Сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар реабилитациясининг асосий детерминантлари ва йўналишлари**

Детерминантлар	Реабилитация йўналиши
Шахслилик соҳаси (ўзини ўзи баҳолаш, ўз-ўзига муносабат, касалликдан сўнг характернинг ўзгариши)	Ўзини ўзи адекват баҳолашни шакллантириш, характердаги салбий қирраларни коррекция қилиш
Эмоционал соҳа	Қўрқув, хавотирланиш, кўзғалувчанлик, йиғлоқилик, иродасизлик, тажовузкорликни бартараф этиш
Касалликнинг ички кўриниши	Болаларда ҳамда уларнинг ота-оналарида касалликка адекват муносабатни шакллантириш
Ижтимоий-психологик характеристикалар	Боланинг ота-онаси ва аҳамиятга эга яқинлари билан муносабатларини коррекция қилиш
Когнитив соҳадаги ўзгаришлар	Билиш жараёнлари коррекцияси
Ҳаёт сифати	Ҳаёт сифатининг барча компонентлари кўрсаткичларини оширишга эришиш

## ХУЛОСА

Сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар реабилитациясининг психосоциал детерминантларини ўрганиш бўйича олиб борилган комплекс клиник-психологик тадқиқотлар куйидаги хулосаларга келиш имконини берди.

1. Сурункали соматик патология мактабгача ёшдаги ва кичик мактаб ёшидаги болалар ривожланишининг ижтимоий вазиятини тубдан ўзгартириб юборади ва бола ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларига салбий таъсир кўрсатади.

2. Мактабгача ёшдаги болаларда касалликнинг ички кўриниши асосан ота-оналарнинг ўз фарзандлари касаллиги ҳақидаги тасаввурлари асосида шаклланади ва кўпинча бузилган кўринишда бўлади. Балоғат даврига келиб бола ўз касаллигини англай бошлайди ва касалликнинг ўз ҳаёт даражасига таъсирини баҳолайди.

3. Бемор болаларнинг психологик ҳолатидаги ўзгаришлар кўпроқ касалликнинг кечиш характери, даражаси ва давомийлигига боғлиқ. Касаллик қанчалик оғир кечса ва узоқ давом этса, шунчалик боланинг психосоциал соҳасига салбий таъсир кўрсатади.

4. Сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар эмоционал-шахслик соҳасида соғлом болаларга нисбатан юқори даражадаги хавотирланиш ва қўрқув, ўзини паст баҳолаш, қўзғалувчанлик, ўзига ишонмаслик, коммуникатив бузилишлар кузатилади.

5. Сурункали соматик касалликлар болалар билиш жараёнларига сезиларли салбий таъсир кўрсатади. Марказий асаб тизими интоксикацияси натижасида юзага келадиган диққат концентрацияси ва барқарорлигининг бузилиши, меҳнат қобилиятининг пасайиши, тез чарчаб қолиш, хотира бузилишлари айниқса сурункали вирусли гепатит билан хасталанган болаларда кучлироқ намоён бўлади.

6. Сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болаларда касалликнинг зўрайишига оиладаги нотинчликлар ва ота-оналар ўртасидаги келишмовчиликлар, оиладаги психологик иқлим, ота-оналарнинг бемор болага муносабати хусусиятлари, боланинг тенгдошлари билан ўзаро таъсиридаги муаммолар сабаб бўлади.

7. Сурункали соматик касаллик оғирлиги ва нозологияси боланинг социумда ижтимоий-психологик мослашувига таъсир кўрсатади. Ижтимоий-психологик мослашувнинг бузилиши кўпроқ сурункали вирусли гепатитнинг холистатик шаклида, жигар циррозида кузатилади.

8. Сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар билан психокоррекцион тадбирларни ташкил этишда касаллик хусусиятларини инобатга олиш муҳим. Сурункали вирусли гепатит, юрак қон-томир касалликларида болалар психоэмоционал ҳолатига арттерапия, эртактерapia, психогимнастика усуллари яхши самара бериши аниқланди. Жигар циррозида эртактерapia, сурункали гастродуоденитда ўйин терапияси ва



психогимнастика усуллари касаллик ва даволаниш жараёни билан боғлиқ юқори даражадаги кўрқув, хавотирланишни енгишда яхши натижа бериши кузатилди.

9. Бош мия фалажи билан хасталанган болаларнинг психик ривожланиш имкониятларини аниқлашда улардаги сенсор функциялар, йўналтирувчи-билиш реакциялари, атрофдагилар билан эмоционал мулоқотларининг ривожланиш даражасини билиш жуда катта аҳамиятга эга. Кўп ҳолатларда муомала жараёнида бош мия фалажи билан хасталанган болалар психик фаолиятидаги паст эмоционал фон, суслик, юқори даражадаги толиқиш, диққатнинг беқарорлиги каби бир қатор хусусиятлар намоён бўлади.

10. Сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар реабилитациясининг асосий йўналишлари мазкур тоифа болаларнинг умумий психологик ҳолатини доимий назорат қилган ҳолда, касалликка муносабати характери, ота-оналар ва атрофдагилар билан шахслараро муносабатлари, билиш жараёнлари ва психоэмоционал соҳалардаги ўзгаришларга қаритилиши мақсадга мувофиқ.

11. Сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар билан олиб бориладиган реабилитацион ва абилитацион тадбирлар болаларнинг социумдаги тўлақонли фаолиятини тиклашга, ҳаёт сифатини оширишга, ижтимоий-психологик мослашувини таъминлашга хизмат қилмоғи лозим.

## АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР

1. Сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болаларнинг ота-оналари билан доимий равишда касалликнинг нозологик ўзига хослигини тушунтириш, касаллик шароитидаги хулқ-атвор малакаларини шакллантириш, боланинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш борасида ёрдам бериш кўникмаларига ўргатиш борасида махсус тренинг дастурларини амалга ошириш лозим.

2. Сурункали соматик касалликлар билан хасталанган беморларда психокоррекцион усуллари танлашда касаллик хусусиятига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Сурункали вирусли гепатит билан оғриган болаларда эртактерепия, мусиқа билан даволаш, арттерапия, жигар циррозида эса индивидуал суҳбат ва эртактерепиядан фойдаланиш яхши самара беради. Гастроудоденал патологияда психогимнастика машқлари, юрак-қон томир касалликларида арттерапия, бош мия фалажи билан хасталанган болаларда рақс терапияси, арттерапия усулларида фойдаланиш болалар психоэмоционал ҳолатларида ижобий ўзгаришларга олиб келади.

3. Сурункали вирусли гепатит билан хасталанган болалар когнитив соҳаси ривожланишига алоҳида эътибор бериш, билиш жараёнларини коррекция қилиш усуллари тўғри танлаш ва ўз вақтида қўллаш уларнинг интеллектуал жиҳатдан орқада қолиш, мактабда ўзлаштириш кўрсаткичларининг пасайиб кетиши олдини олади.

4. Сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болалар реабилитациясида шифокорлар ва психологлар, шунингдек, педагоглар ҳамкорлигини йўлга қўйиш мазкур тоифа болаларнинг тўлиқ ижтимоий-психологик реабилитациясини таъминлашга хизмат қилади.

5. Мактаб педагоглари саломатлиги чекланган болалар психологик хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар билан таништириш ва таълим-тарбия жараёнида мазкур тоифа болаларга индивидуал ёндашувни ташкил этиш реабилитация жараёнида болалар ҳаёт сифатининг нафақат жисмоний ва эмоционал компонентлари, балки ижтимоий-ролли компонентларининг яхшиланишига ҳисса қўшади.

6. Сурункали соматик касалликлар билан хасталанган болаларда госпитализм синдромини профилактика қилиш учун бола стационарда даволанаётган даврда ўқув синфларини ташкил этиш ва маданий-маърифий тадбирларни тез-тез уюштириш мақсадга мувофиқ.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ № DSc.03/30.12.2019.P.01.07 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**ИЛХАМОВА ДИЛФУЗА ИЛЯСОВНА**

**ПСИХОСОЦИАЛЬНЫЕ ДЕТЕРМИНАНТЫ РЕАБИЛИТАЦИИ  
ДЕТЕЙ, БОЛЬНЫХ ХРОНИЧЕСКИМИ СОМАТИЧЕСКИМИ  
ЗАБОЛЕВАНИЯМИ**

**19.00.04– Медицинская и специальная психология**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА (DSc) ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ НАУК**

**Ташкент– 2021**

**Тема диссертации доктора психологических наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.DSc/ Psi 6.**

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице совета (ik\_falsafa@nuu.uz) на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

**Официальные оппоненты:**

**Абдуллаева Шоира Хамидовна**  
доктор психологических наук, доцент

**Маматова Нодира Мухторовна**  
доктор медицинских наук, доцент

**Кадиров Камолиддин Батирович**, доктор психологических наук, доцент

**Ведущее учреждение:**

**Ташкентская Медицинская академия**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года в \_\_\_\_ часов на заседании разового Научного совета DSc.03/30.12.2019.P.01.07 при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, г.Ташкент, ул.Университетская, 4. НУУз, здание факультета Социальных наук, 5 этаж, 511- кабинет. Тел.: (99871) 2465874; факс: (99871) 2465321, (99871) 246-02-24; E-mail: nauka@nuu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрированной под № \_\_\_\_).  
Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Главный учебный корпус НУУ, часть «В», 2 этаж, ауд. 217. Тел. : (+99871) 246-67-71.

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2021 г.  
(Протокол реестра № \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2021 г.)

**Д.Г.Мухамедова**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор психологических наук, профессор

**И.И.Рахимова**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии по психологическим наукам (PhD), доцент

**Н.С. Сафаев**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор психологических наук, профессор.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире обеспечение здоровья населения является не только социальной, но и важной экономической проблемой в условиях экономического роста. В этой сфере уделяется особое внимание на сохранение физического, психологического и социально-духовного здоровья с детства. В 2013 году на 66-ой сессии Организации Объединенных Наций утвержден план комплексных действий, в основе которого заложен принцип «без психического здоровья нет здоровья вообще»<sup>1</sup>. Недостаточное решение проблем организации оказания комплексной психологической помощи и реабилитационных мероприятий остается одной из актуальных задач практической медицины и психологической службы.

В мире исходя из того, что хронические соматические заболевания занимают второе место после болезней центральной нервной системы как фактор задержки психического и социального развития, уделяется особое внимание научным исследованиям по психосоциальным детерминантам реабилитации детей с данными заболеваниями. В составе осуществляемых научных поисков приоритетное место занимают научные исследования по таким направлениям, как выявление роли психологических и социально-психологических факторов в возникновении, течении и лечении хронических соматических заболеваний, изменения индивидуально-психологических особенностей больных детей под воздействием болезни, влияние хронических болезней на формирование различных психологических расстройств у детей, организация психологической помощи в зависимости от характера болезни, осуществление психодиагностических и психокоррекционных мероприятий в детской клинической психологии, профилактика задержки психического развития и социально-психологической дезадаптации у детей вследствие хронических заболеваний.

В нашей стране, особенно в условиях построения нового Узбекистана, внимание к здоровью детей поднялось на уровень государственной политики. В Стратегии действий развития Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям в 2017-2021 гг. определены актуальные задачи «воспитания физически, психологически и умственно развитой, свободномыслящей, верной Родине, имеющей свою твердую жизненную позицию молодежи, формирования здорового образа жизни детей»<sup>2</sup>. Для осуществления данных задач целесообразно дифференциальная оценка психосоциальных детерминант реабилитации детей, больных хроническими соматическими заболеваниями, совершенствование методов психологической помощи с применением нетрадиционных подходов, выявление уровня удовлетворенности своим психосоциальным статусом с учетом

---

<sup>1</sup> Обзор интегрированного ведения болезней детского возраста в Европейском регионе ВОЗ. URL: [www.euro.who.int](http://www.euro.who.int) Review of integrated Management of Childhood illness (IMCI), 2018. P.127.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № УП-4947 от 7.02.2017 г.

межличностных взаимоотношений и условий психологического климата, расширение объема научных исследований по повышению эффективности социально-психологической реабилитации больных детей в условиях психологической интервенции и психологической поддержки.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит для выполнения Постановлений Президента Республики Узбекистан ПП № 4947 «О стратегиях действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, ПП № 5270 «О мерах по коренному совершенствованию системы поддержки людей с инвалидностью со стороны государства» от 1 февраля 2017 года, «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности органов здравоохранения» от 7 июня 2018 года, ПП № 4190 «О концепции развития службы сохранения психического здоровья населения в Республике Узбекистан на 2019-2025 гг.» от 3 февраля 2019 года, Постановления № 420 Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 июня 2019 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы подготовки кадров в области психологии и профилактики правонарушений в обществе», также при обеспечении выполнения задач, намеченных в других нормативно-правовых документах, касающихся данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационная работа выполнена по приоритетному направлению развития науки и технологий в республике 1. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>1</sup>.** В мире изучение психосоциальных детерминант реабилитации детей, больных хроническими соматическими заболеваниями проводится высшими образовательными учреждениями и научными центрами, в том числе University Colorado, University of Illinois at Chicago, University Alabama at Birmingham (АКШ), University Melbourne (Австралия), University Kent (Англия), University Barcelona (Испания), University Milan (Италия), University Newcastle (Англия), University of San Paulo (Бразилия), University Santa Catarina (Бразилия), University Tokyo (Япония), Dalhousie University (Канада), Institute of Psychology Albert-Ludwig Freiburg (Германия), Mental Health Conservation Center of the Department of Health (Санта-Круз, Манила, Филиппин), Institute of Pedology (Дюйвендрехт, Нидерландия), University of Bath (Bath, UK), EMGO Institute for Health and Care Research (Amsterdam, the

---

<sup>1</sup>Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации осуществлялся на основе материалов The European Association of Psychosomatic Medicine (URL: <https://www.eapm.eu.com>), The American Psychosomatic Society (URL: <https://www.psychosomatic.org>). Проведен анализ публикаций по медицинской, клинической и реабилитационной психологии в ведущих реферативных базах периодических изданий, в том числе: Информационный портал «Медицинская психология» (URL: <http://medpsy.ru/index.php>), Портал психологических изданий (URL: <http://psyjournals.ru>), база данных по психологии Американской психологической ассоциации PsycINFO (URL: <https://www.apa.org/pubs/databases/psycinfo/index.aspx>), текстовая база данных Национальной медицинской библиотеки США (URL: <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed>).

Netherlands), Columbia University (New York, USA), The European Association of Psychosomatic Medicine, The American Psychosomatic Society, Московским Государственным университетом имени М.В.Ломоносова (Россия), Московским Государственным психолого-педагогическим университетом (Россия), Российским научным Центром психического здоровья (Россия), Научно-исследовательским клиническим институтом педиатрии имени академика Ю.Е.Вельтищева Минздрава России (Россия), Санкт-Петербургским государственным педиатрическим медицинским университетом (Россия), Национальным медицинским центром здоровья детей, Институтом Психологии имени Л.С.Выготского.

В мире по исследованию психосоциальных детерминант реабилитации детей, больных хроническими соматическими заболеваниями, получены следующие результаты: обосновано ведущее место психологических и социально-психологических факторов в возникновении хронических соматических заболеваний у детей (Institute Pedology, Netherlands), изучены изменения, возникающие в индивидуально-психологических особенностях детей под влиянием различных заболеваний (Columbia University, USA), сформированы система и целевые группы реабилитации в условиях болезни (Children's Rehabilitation Center, Australia); разработана программа психологической поддержки родителей детей с ограниченными возможностями здоровья (Royal Brompton & Harville, Great Britain); (Medical Center Teknon, Spain); раскрыты психосоматические закономерности диагностики и лечения нарушений в развитии (взаимосвязь между физическим состоянием, структурой заболеваемости и социальной ситуацией развития) (Институт Психологии имени Л.С.Выготского); разработаны виды психологической интервенции с детьми, больными хроническими соматическими заболеваниями и их родителями (Centre for Pain Research, University of Bath, UK), изучены особенности взаимосвязи привязанности и копинга у детей хроническими соматическими заболеваниями, факторы, определяющие качество жизни детей хроническими соматическими заболеваниями в условиях болезни (The European Association of Psychosomatic Medicine, The American Psychosomatic Society).

В мире на сегодняшний день в медицинской психологии ведутся исследования по психосоциальным детерминантам реабилитации детей, больных хроническими соматическими заболеваниями, в частности, в следующих приоритетных направлениях: психосоциальное обоснование обострения и осложненного течения болезни в условиях хронизации; особенности нарушений психоэмоционального состояния, а также структуры личности и изменений когнитивной сферы, социально-психологической дезадаптации, встречающихся у больных детей; выявление особенностей отношения к болезни в зависимости от характера и давности заболевания, оценка уровня удовлетворенности своим здоровьем, психологическим и социальным статусом на основе усиления психологической обратной связи; разработка психокоррекционных и психопрофилактических мероприятий,

обеспечивающих полную социально-психологическую реабилитацию в обществе детей с ограниченными возможностями здоровья.

